




ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 135 (9.327) 1999 йил 19 ноябрь, жума Сотувда эркин нархда

Номзодларнинг сайловолди ташвиқоти
БУГУН
Биз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛИНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН кўрсатилган ва ушбу партия кенгаши томонидан тақдим этилган айрим номзодлар ҳақидаги сайловолди ташвиқот материалларини газетанинг 2 — 3-саҳифаларида ёритмоқдамиз.

ЕХХТнинг Истамбул саммити

ИСТАМБУЛ (18 ноябрь. ЎЗА махсус мухбири Бехзод Усмон хабар қилади). Хабар қилингандек, Туркиянинг Истамбул шаҳрида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо 54 мамлакат давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтмоқда. Унинг ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

ЕХХТнинг бешинчи бор ўтказилаётган саммити кун тартибидagi асосий масала ташкилотга аъзо мамлакатларнинг XXI асрдаги хавфсизлигини таъминлашга қизғин қилиши лозим бўлган Европа хавфсизлик Хартиясини қабул қилишдир. ЕХХТ Шимолий Америкадан Узоқ Шарққача бўлган улкан худудни қамраб олишини инobatта оласак, бу ҳужжат яқин келажақда бутун дунёда ҳарбий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий хавфсизлик ва барқарорликни, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашга қаратилганини кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Истамбул саммитида сўзлаган нутқи

Мухтарам Раис!
Мухтарам Давлат ва ҳукумат раҳбарлари!
Хонимлар ва жаноблар!
Энг аввало, мазкур саммитнинг ташкил этилишига ўз ҳиссасини қўшган барча кишиларга, шунингдек, Туркия Президенти жаноб Сулаймон Демиррелга самимий кутиб олганлари ва меҳмондўстликлари учун миннатдорлик изҳор этишга изозат бергайсиз. Биз даҳшатли зилзила офатларига матонат билан дош берган Туркия халқига ўз бирдамчилигимизни изҳор этамиз.

Ишончим комилки, Истамбулда мазкур учрашувнинг ўтказилиши, кун тартибидagi асосий масала - Европа хавфсизлик Хартияси лойиҳасининг муҳомада этилиши, тобора янгилаётган ҳамкорлик ва давлатларaro интеграция жараёни билан бирга, халқаро хавфсизлик ва барқарорликка қилинаётган таҳдидлар ҳам кучайиб бораётган бир пайтда ЕХХТнинг ўрни ва мавқеини ошириш борасидаги янги кадамдир.

Уйлайманки, бугунги кунда халқаро майдонда «совуқ уруш» кўринишлари ўрни бир-бири билан бирлашиб, тобора кенг қўламли ва ҳужумкор моҳият касб этаётган ашаддий миллатчилик ва сепаратизм, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби иллатлар эгалаётганини исботлаб ўтиришнинг ҳожасти йўқ.

Бунинг эркин исботини Марказий Осиё ва бошқа минтақалар мисолида кўриб турибмиз.

САЙЛОВЛАР ОЛДИДАН

Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга 16 КУН ҚОЛДИ. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига 51 КУН ҚОЛДИ.

НОМЗОДЛАР ВА ЁШЛАР МУЛОҚОТИ



КЕЧА
шаҳримиздаги Санъат саройи ҳар қачонгидан гавжум бўлиб файзли тўсга кирди. Бу ерда 18 ёшга қадам қўйган ва бу йилги сайловларда биринчи марта овоз бераётган ёшларнинг депутатликка номзодлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Шаҳар сайлов комиссияси, ёшларнинг «Камолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига ва пойтахтдан кўрсатилган Олий Мажлис депутатлигига номзодлар шахримиз олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларининг талабалари билан бўлган жонли мулоқотда бўлдilar. Ёшлар бўлғуси депутатлар фаолияти юзасидан ўзларини қизиқтираётган, ўйлантираётган барча саволлар билан мурожаат қилиш имкониятига эга бўлдilar. Ушбу қизиқарли учрашув ёшларимизнинг ижтимоий-сиёсий онглари ўсиб, янги давр кишилари бўлиб етишаётганликларини яна бир қарра исботлади.



Фарида Абдурахимова, 5-Ойбек сайлов округидан шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод Садир Салимов батафсил жавоблар қайтаришди. Дилдан мулоқотда барча сиёсий партиялар ва мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакиллари ўз сайловолди дастурлари билан фаол иштирок этишди.



ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ АХБОРОТЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазириликлар, идоралар ва ҳужалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарор қабул қилди.

Табиики, ёшларни номзодлар депутат бўлиб сайладан инсон ҳолатини тобора яхшилаш масалаларига берилаётган ниҳоятда катта эътибор, айниқса, яқинда демократик янгиликни йўлига кирган янги мустақил давлатлар учун ўта муҳим ва зарур эканига шак-шубҳа йўқ.

ЖАХОНДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазириликлар, идоралар ва ҳужалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарор қабул қилди.

Сайлов сийлов эмас

Кўнғироқларингизни кутамиз

ҚИДИРУВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЯНГИБОБ. (ЎЗА махсус мухбири Муслим Номзод хабар қилади). 15 ноябрь кун Тошкент вилоятининг Янгибод аҳоли пункти яқинида уч кўриқхона ходими ҳамда уч нафар милиция ходимининг ҳаётига зомин бўлган террорчилик қидируви давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛИГИГА ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН

КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

ЭЛ ЭЪТИБОРИ

• **Муборақ Нураломовна Каримходжаева, 1949 йилда туғилган, «Акмад Икромов савдо» акционерлик жамияти раисининг ўринбосари.**



Муборақ Каримходжаева ўрта маълумотни Тошкент вилоятининг Урта Чирчиқ туманидаги 54-мактабда олди ва 1968 йилда Тошкент халқ ҳўжалиги институтининг бухгалтер хисобчилар тайёрлайдиган факультетига ўқишга кириб, 1973 йилда бухгалтер хисобчилик ихтисослигига эга бўлди.

Иш фаолияти даврида Тошкент шаҳридаги 6-қуриш трестда, Тошкент ҳаво йўллари агентлигида масъул

вазифаларда меҳнат қилди. 1978 йилдан бошлаб Акмад Икромов тумани озиқ-овқат бўлимида товаршунос, кейинчалик шу бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. Ўз ишини пухта билганлиги ва мукамал ўрганганлиги, ўз устида доимо ишлаб, тажриба орттириб борганлиги сабабли М. Каримходжаева 1997 йилда ушбу корхона раисининг ўринбосари этиб тайинланди.

«Савдо аълочиси» унвони соҳибаси, ёшлар мураббийси М. Каримходжаева ўз ишини севади, оиласида ҳаммаша саранжом ва саришталик бўлиши учун ҳаракат қилади. Эл хизматида бўлишдек шарафли бурчини сидқидилдан адо этиб келаётган М. Каримходжаева жамоа аъзолари орасида, кўни-қўшилар орасида катта ҳурмат ва эътибор қозонган.

• **Рамизулла Абдуллаевич Мўминов, 1941 йилда туғилган, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат кўмитасининг Давлат илмий-техника ахбороти фонди директори, 4-Бектемир сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

Рамизулла Абдуллаевич Мўминов ўқитувчи оиласида туғилган. У иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган отасини эслаб олмас ҳам унинг «Пул топгунча ақл топ» шиори бир умрга ёдида қолган. Рамизулланинг онаси унга отаси тўғрисида сўзлаб берган вақтида отасининг бу ўғитини ўғлига ўқдиришдан қарчамасди. Ота ўғитига амал қилган ўсмир илму урфон йўлини танлади.

Рамизулла Мўминов Тошкент Давлат университетини тугатган, дастлаб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Физика-техника институтида ишлади, сўнгра шу институтида ўзида Махсус конструкторлик бюроси директори, мамлакатимиз мушкетерлик йўлига қандам кўйган вақтдан бошлаб

АҚЛ-ИДРОК ЙЎЛИДАН



Вазирлар Маҳкамасида сектор мудирини, ҳозирда эса Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат кўмитасининг Давлат илмий-техника ахбороти фонди директори лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Рамизулла Абдуллаевичнинг нафақат маъмурий, балки илмий фаолияти ҳам муваффақиятли бўлди. У Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Россия технология фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, физика-математика фанлари доктори, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, 200 дан ортққ илмий ишлар муаллифи, 59 та муаллифлик гувоҳномалари ҳамда ихтирога патентлар эгасидир. Унинг ишланмалари ХХЮКнинг Олтин медалига сазовор бўлган.

Рамизулла Абдуллаевичнинг ярим ўтказгич материаллар хусусиятлари ва плазма — модданинг алоҳида ҳолати бўйича тадқиқотлари ҳамкасблари томонидан юқори баҳоланган. Бу илмий изланишнинг амалий натижаси — ярим ўтказгич ва

лазерли приборлар, ядро нурланиши детекторлар, лак-бўёқ қопламаларнинг қалинлигини ўлчаш асбоблари, агрегив муҳитлар ўлчигичлари ва бошқа техник воситаларни ишлаб чиқаришдан иборатдир. Бу ишлаб чиқарилган техника воситалари энг яхши жаҳон стандартлари талабларига жавоб беради.

Рамизулла Абдуллаевичнинг тадқиқотларини ҳозирги вақтда унинг шогирдлари — 20 дан ортққ фан номзодлари ва докторлари давом эттирмоқдалар. Олимнинг сиёсий қарашлари Ўзбекистон «Миллий тикла-

ниш» демократик партияси билан боғлиқ. Демак, Олий Мажлис депутатлигига номзоднинг дастури ҳам шу партия дастурининг асосий йўналишларига мос тушади. Бу дастурнинг асосини умуминсоний кадрларнинг таркибий қисми бўлган ўз-ўзини бошқариш, миллий анъаналарга садоқат, миллий бирлик, байналмилаллик, халқлар дўстлиги, минтақамизнинг бой тарихий, маънавий-ахлоқий, илмий ва маданий меросини, илгор миллий анъаналарни қайта тиклаш каби муҳим жиҳатлар белгилаб беради.

Рамизулла Абдуллаевич шу асосда Ўзбекистонда ўтказилган сайловларда иштирок этиб, давлатни бошқаришда фаол қатнашиш ва аҳоли, миллатларнинг барча табақалари ва гуруҳларининг сиёсий, иқтисодий эҳтиёжларини қондириш ва ижтимоий муҳофазалашга ўз хиссасини кўшишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Янги қонунларни ишлаб чи-


қиш ва қабул қилишда «аниқ фикрланган — аниқ баён қилсан» тамойили бўйича ишлаб чиқилган қонунларни янада чуқурроқ тушуниш, моҳиятини хар томонлама ўрганишни таъминлаш учун депутатликка номзод ўзининг Олий Мажлисидаги барча ишнни чуқур илмий таҳлил асосида олиб боради.

Бизнинг мамлакатимиз учун ҳозирги даврда фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари, илмий ёндашув ва таҳлил алоҳида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Мамлакатимиз етарли даражада бой илмий-техник салоҳиятга эга бўлиб, бу салҳият эл-юрт равнақига кўмаклашиши ва халқимизга хизмат қилиши шарт. Фан ва техника соҳида эришилаётган энг сўнгги отуқлар нафақат ишлаб чиқаришга, балки халқимизнинг кўндаллик турмушига ҳам жаддлик билан жорий этилиши зўрур. Рамизулла Абдуллаевичнинг фикрига кўра халқимиз шу тарихи мамлакатимизнинг буюк келажак сари шаҳдам қадамлар билан бораверида ҳамда ўз фаровонлигини янада ошириди.

Рамизулла Абдуллаевич — Олий Мажлис депутатлигига муносиб номзод.

МИЛЛИЙ ВА ФУҚАРОЛИК БУРЧИ

• **Сарвар Мукадирович Кадилов, 1940 йилда туғилган, Тошкент автомобиль ва йўллар институти ректори, 8-Миробод сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



— XXI аср янги технологиялар асри бўлади.
— Автомобилсозлик саноати миллий иқтисодиётимиз таянчи.
— Ёшлар — келажакка йўл олган ишонч карвонларидир.
— Бизда ўзбек, рус, инглиз ёки бошқа бирор чет тилини билган, хар бир фуқаро ўзини зиёлиман дейишга ҳақлидир.
— Миллатлараро тотувлик — миллий тикланиш шартидир.

таянчи экан, хар бир оиланинг ўз уй-жойи бўлишида давлатнинг моддий кўмаги зарурлигини таъкидлаш; кишилар саломатлиги ва ҳавфсизлигини муҳофиза қилиш тизимини янада такомиллаштириш; хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш баробарида табақалаштирилган солиқ сиёсати юритиш заруратини тарғиб қилиш; ишчи кучини экспорт қилиш мақсадида махсус фонд ташкил этиш; аҳолини иш билан таъминлашда инвестиция талаб қилмайдиган фаолиятни ривожлантириш; иқтисодий фаолиятларнинг жиноятлашувига қарши барча чоралар билан курашиш ва бунинг учун бизнесга оид қонунларни такомиллаштириш; ёшлар ўртасида бозор кўникмаларини қарор топтириш ва, шунингдек, катта ёшдаги, хусусан, пенсионер, ногирон кишиларга давлат томонидан имтиёзлар ва моддий ёрдам миқёсларини кенгайтириш; рақобатчиликни эътироф этган ҳолда, хотин-қизларни мураккаб ва ўзига хос эҳтиёжларга муҳтож шахс сифатида уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг алоҳида табақалаштирилган тизимини яратиш заруратини таъкидлаш.

Иқтисодий соҳада: ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ ислохотларни ва бу борада давлатимиз олиб бораётган иқтисодий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали иқтисодиётни эркинлаштириш, аҳолининг бандлик даражасини ошириш ва шу асосда аҳоли жон бошига тўғри келадиган


ган даромад ва истеъмолни жаҳоннинг ўртача мамлакатлари қаторига олиб чиқиш; янги технологияларни қўллаш, ишлаб чиқаришда чуқур структуравий ўзгаришларга эришиш; мамлакатимизни жаҳон иқтисоди билан чуқур интеграциялашуви баробарида экспорт потенциални ошириш ва ниҳоят, мустақиллигимиз пойдеворини ташкил этувчи миллий бойликни асраб-авайлаш ҳамда ошириб бориш.

Маънавий соҳада: кўп мингйиллик маънавий-маданий меросга, миллий-фалсафий, бадиий, ахлоқий ва сиёсий тафаккурга таяниш; ёшлар тарбиясида буюк аждодларимизнинг умуммиллий ва умумбашарий қарашларига содиқлик, анъанавийлик ҳамда ворисийлик каби фазилатларини шакллантиришга эришиш; тил миллат ва маънавият кўзгуси эканлигини назарда тутиб, давлат тилидан фойдаланишнинг ижтимоий-сиёсий, илмий ва халқро қўламларини янада кенгайтириш; ўқувчилар, талаба-ёшлар томонидан рус, инглиз тилларини ҳамда компьютер технологияларини пухта ўзлаштириб олишга доимий аҳамият бериш.

Кадрлар тайёрлаш ва таълим соҳасида олиб борилган туб ислохотларни қўллаб-қувватлаш асосида ёш авлоднинг жамият учун фойдали инсонлар бўлиб етиштирилишига эришиш; таълим ва тарбиявий ишлар учун оила, маҳалла, жамоат ташкилотлари билан бир қаторда давлат органлари масъуллигини оширишга интилиш; истеъдодли ўғил-қизларимизни қўллаб-қувватлаш ва барча олий маълумотли ёшларни салоҳиятига яраша кафолатланган меҳнат билан таъминлашга эришиш; таълим тизимининг барча йўналишларида ҳалоллик ва адолат устуворлигини таъминлашга доимий эътибор қаратиш ва шу қабуллари ўзининг Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди дастури доирасидаги энг муҳим вазифаларимдан деб ҳисоблайман ва уларга ўз фаолиятимда қатъий амал қилишни миллий ҳамда фуқаролик бурчим деб биламан.

Миллат фидойиларига овоз беринг!

ИБРАТГА САЗОВОР



• **Қодиржон Жўраевич Тошмуҳаммедов, 1953 йилда туғилган, «Эркин Осиё» қўшма корхонаси раҳбари, 14-Кўйлик сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**

Қодиржон Тошмуҳаммедов 1970 йили ўрта мактабни тамомлаб, шу йили Тошкент темир йўл муҳан-

дислари техникумига ўқишга кирди. 1971 йили ҳарбий хизматга чақирилди. 1973 йили ҳарбий хизматни тамомлаб, «Ўзбекистон» пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасига оддий юк ташувчи бўлиб ишга кирди. Шу корхонада 1973 йилдан 1990 йилгача оддий ишчиликдан директорлик лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди.

1976 йили Абдурахмонов номили Тошкент Енгил саноат техникумининг тери ва пойабзал тикиш факультетининг кечки бўлимида ўқиб, 1978 йили уни тугаллади. Шу йили Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг тери ва теридан пойабзал ишлаб чи-


қариш факультетига кириб, 1982 йилда институтдаги таҳсилни муваффақиятли якунлаб, ўз корхонасида иш фаолиятини давом эттирди. 1990 йили Енгил саноат вазирлиги тақлифи мувофиқ 1-пойабзал фабрикасининг тери ва маҳсулотларни жамлаш бўлимида бош технолог лавозимида ишлади.

1996 йилнинг июнь-ойида «Омад-Резина» акционерлик жамияти заводи бош директори ўринбосари лавозимида, 1997 йилнинг апрель ойида бошлаб эса директор лавозимида ишлаб келяпти.

Дарҳақиқат, Қодиржон Тошмуҳаммедовнинг енгил саноатни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ибратга сазовордир.

УЛУҒВОР ВАЗИФАЛАР ИФОДАСИ

• **Ата Мирзаев Озад Баба Мирзаевич, 1939 йилда туғилган, Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий фикр» марказининг директори ўринбосари, 24-Юнусов сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



Аҳолишунос олим, география фанлари доктори, профессор **Ата Мирзаев Озад Баба Мирзаевич**нинг сайловолди дастури Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди ҳаракат дастурига асосланган. Ушбу сайловолди ҳаракат дастурининг туб мақсади мустақил Ўзбекистон миллий давлатчилигини тиклаш, ўзбек халқининг бой тарихий, маънавий-маърифий, илмий ва маданий меросини, миллий кадриятларини, халқ анъаналари ва урф-одатларини қайта тиклашдан иборатдир.

Депутатликка номзоднинг сайловолди дастурида «Миллий тикланиш» партиясининг стратегик вазифаси ифода этилган бўлиб, унинг асл мақсадини «Миллий тикланишдан жаҳон цивилизацияси сари» ғоясини ташкил этади.

Сиёсий соҳада номзоднинг дастурий вазифаси «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида жамиятда барқарорликни, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдан иборат.

Иқтисод соҳасида номзод ўзининг асосий ҳаракатини иқтисодий ислохотларнинг ўзбек моделини амалга ошириш жараёнида мамлакатимизнинг миллий иқтисодиётини тобора ривожлантириш, ўзбек халқи-

нинг руҳиятига мансуб бўлган меҳнатсеварлик, тадбиркорлик, ҳалоллик, адолатчилик ва шу каби хислатларини инобатга олган ҳолда кичик ва ўрта бизнес ривожланишини жаддаллаштириш деб билади. Асосий диққат-эътибор миллий хунармандчиликни, жаҳонга машҳур бўлган енгил саноатнинг миллий тармоқларини қайта тиклашга ва ривожлантиришга қаратилади.

Ижтимоий соҳада номзоднинг фаолияти — аҳолини, айнққс ночор табақаларнинг, яъни кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, талабалар, ишсизлар ва ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилади. Зиёлиларни — олимларни, тиббиёт ходимларини, халқ таълими, маданият ва бошқа тизимлардаги хизматчилар моддий ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор берилади. **Зиёлиларнинг маоши уларнинг жамиятда эгаллаган юқори мавқеига мос бўлиши лозим.**

Жамиятда маънавият ва маърифатни янада юқори поғонага кўтариш, айнққс ёшларни тарихий, миллий, маънавий-маърифий ва умуминсоний кадриятларга жалб этиш, уларнинг ўзлигини англаш, миллий онгини ошириш кўзда тутилади.

24-Юнусов сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод сифатида, ушбу округ фуқароларининг иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий муаммоларини ечиш, уларнинг ҳаётий манфаатларини Юнусов тумани, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва давлат органлари олдида ҳимоялаш масалалари билан доимо шуғулланади.

БОЙ ЎТМИШИМИЗ БИЛИМДОНИ

• **Мирсадик Мирсултанович Исхаков, 1943 йилда туғилган, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти директори, 22-Марказий сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.**



Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишга кирган Мирсадик Исхаков меҳнат фаолиятини дастлаб 1959 йили мактабда лаборантликдан бошлади. 1959-1960 йилларда Тошкент шаҳридаги 6-китоб дўконидан сотувчи бўлиб ишлаб, бир вақтнинг ўзида институтининг кечки бўлимида ўқиди. Сўнгра кундузги бўлимга ўтиб, 1964 йили уни тугаллади.

1964-1965 йилларда Тошкент вилоятининг Бука туманидаги 70-мактабга йўлланма билан юборилиб, ўқитувчи вазифасида ишлади. 1965 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих ва археология институтининг аспирантурасига қабул қилинди. Сўнгра Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг ҳозирги Санкт-Петербург бўлимига юборилди. Энг қадимги Ўрта Осиё ёзувлари тарихий манбашунослиги соҳасида илмий иш олиб бориб,

1972 йили номзодлик, 1992 йили докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1970-1978 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси археология институтида илмий ходим, 1978-1981 йилларда Тошкент Давлат маданият институтида доцент, 1981 йилдан 1998 йилнинг августигача Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси кўлэмалар институтида катта илмий ходим, бўлим бошлиғи вазифаларида ишлади. Ҳозирги вақтда у Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институтининг директори вазифасида ишламоқда.

М. М. Исхаков Ўрта Осиё халқлари қадимий ижтимоий, маданий, маънавий ўтмишининг билимдонини, йирик олим. Унинг сўғдишунослик, авестошунослик каби ноёб илмий соҳалардаги тадқиқотлари республикамизда ва чет элларда тан олинган. М. М. Исхаков Тожикистон, Россия, Германия каби қатор мамлакатлардаги халқро илмий анжуманлар қатнашчиси.

М. М. Исхаковнинг олий таълим тизимидаги дарслари тарих фанининг энг кам ўрганилган масалаларига бағишланиб, тингловчиларда катта қизиқиш уйғотиб келмоқда.

М. М. Исхаков Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси аъзоси сифатида халқимизнинг маънавий, маърифий, маданий такомилни, тарихий тафаккурини ва соғлом ғурурини тарбиялаш, республикамиз истиқлолини мустаҳкамлаш, демократик жараёнларни жаддаллаштириш, буюк келажакка ишончини тарбиялаш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛИГИГА ЎЗБЕКИСТОН

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН

КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР

ЖАМОАТ ИШЛАРИДА ҲАМ ФАОЛ

• **Гуландом Бакиева**, 1949 йилда туғилган, Жаҳон тиллари университети ректор муовини, 1-Мақсуд Шайхзода сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.



ди. Акмал Икромов тумани хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари, туман «Миллий тикланиш» демократик партияси раиси, «Меҳмондўстлик ва ахборот хизмати» республика жамоат ташкилоти раиси.

Гуландом Бакиеванин шундан кўнрақ 40 га яқин илмий ишлари чоп этилган. Булар орасида дарслик, дарслик учун қўлланмалар, монографиялар, ўқитиш методикаси бўйича долзарб муаммолар ва тилшунослик бўйича мақолалари бор. Раҳбарлиги остида 5 нафар аспирант ўз илмий ишлари устида ишламоқда.

Гуландом Бакиева университетнинг чет эллар билан алоқалар ўрнатиш ва ривожлантиришда катта ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган хорижий элчихоналар орқали (хитой, испан, япон, италян, грек, турк, форс, араб, малай, корей ва ҳ.) 13 та тил марказларининг очилишида ҳисса қўшди, унинг ёрдамида хориждан ўқув материаллари, дарсликлар, лугатлар ва бўшақ адабиётлар олиб келинди. Хориж мутахассислари келиб, университетда фаолият кўрсатмоқдалар. Турли хорижий жамғармалар, ташкилотлар, Тасис, Темпус, ДААД, ОАД, Сорос жамғармаси ва бошқалар орқали бир неча грантлар (жами 500.000 АҚШ доллари миқдорда) компьютерлар, электрон почта, Интернет, ксерокс ва ҳоказолар олинди. Ўқитувчи ва талабалар алмасуви яхши йўлга қўйилган. Дарсликлар, лугатлар тузиш бўйича халқаро муаллифлар гуруҳлари тузилиб иш олиб борилмоқда. Халқаро семинарлар ташкил этилди.

Хорижий адабиётлардан 3 минга яқин китобга эга бўлган кутубхона ишлаб турибди. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Ўзбекистонда илк бор ташкил этилган Халқаро журналистика факультетини барпо этишда фаол иштирок этди. Дунё талаблари бўйича ўқини ташкил этишда хорижий университетларнинг дастурларини ўрганиш ҳамда экспертлар билан ҳамкорлик қилиш ишига ўз ҳиссасини қўшиб билан биргаликда шу факультетни бошқармоқда. Университетнинг жамоат ишларида фаол қатнашади. Турли анжуманлар ўтказишда ташаббус кўрсатиб, уларни намунали ўтказди. Хорижий мамлакатларда (АҚШ, Бельгия, Испания, Греция, Малайзия, Хитой, Финляндия, Ироқ) бўлиб, мамлакатимиз олий таълим тизимини такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Гуландом Бакиева меҳнатсевар, фидойи, ташаббускор, ҳақиқатпарвар, инсонпарвар, адолатпарвар, масъулиятли, камтар, яхши фарзандларни тарбиялаган она ва уй бекаси бўлгани сабабли ишлаган ва яшаган жойида одамлар ҳурмат ва эътиборини қозongan.

Гуландом Бакиева 1967 йили Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институтининг англиз тили факультетига кириб, 1971 йилда уни имтиёзли диплом билан тамомлади. 1973 йилдан 1976 йилгача Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтида ўқиди, рус тили ва адабиёти ўқитувчиси касбини эгаллади.

Сўнгра 1971 йилдан 1972 йилгача Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг чет тиллари кафедрасида ўқитувчилик қилди.

1972 йилдан 1989 йилгача Республика рус тили ва адабиёти институтида лаборант, катта лаборант, ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади.

1986 йил Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтида аспирантурага кирди ва 1987 йил педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1989 йилда ўз илмий ишларини давом эттириш мақсадида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг докторантурасида тахсил олиб, 1993 йилда докторлик диссертациясини муваффақият билан ҳимоя қилди ва филология фанлари доктори илмий даражасини олишга муваффақ бўлди.

1998 йилда профессор унвонига сазовор бўлди. 1992 йилдан 1994 йилгача 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтида рус тили кафедраси мудири лавозимида ишлади.

1994 йилдан ҳозиргача Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида чет эллар билан алоқа қилиш бўйича ректор муовини лавозимида ишлаб келмоқда. Айни пайтда янги очилган Халқаро журналистика факультетининг декани лавозимида ҳам ишлайди.

1996 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси педагогика ва психология йўналиши бўйича эксперт кенгаши аъзоси, раиси бўлиб ишлайди.

Бундан ташқари жамоатчилик ишларини олиб бора-

УНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ

• **Иброҳим Хожиевич Абдуганиев**, 1953 йилда туғилган, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кўмитасининг раиси, 12-Яланғоч сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.



САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ

Дастурда «Миллий тикланиш» партиясининг стратегик вазифаси ифода этилган бўлиб, унинг асл мақсадини — «Миллий тикланишдан — жаҳон цивилизацияси сари» гоёси ташкил этади.

Сийёсий соҳада: «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида жамиятда барқарорликни, миллатлараро, динлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдан иборат.

Иқтисод соҳасида: номзод ўзининг асосий вазифасини иқтисодий ислохотларнинг ўзбек моделини ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида республикамизнинг миллий иқтисодиётини тобора ривожлантириш, ўзбек халқининг руҳиятига мансуб бўлган меҳнатсеварлик, тadbirkorлик, ҳалоллик, адолатчилик ва бошқа шу каби ҳислатларини инobatта олган ҳолда, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни жадаллаштириш деб белгилайди. Асосий диққат-эътиборини, маҳаллалар қошида кичик ҳорхоналар очиш, дунёга машҳур бўлган миллий хунармандчиликни ривожлантириш, касаначилик (уй) меҳнатини ташкил қилиш орқали тиклашга ва тараққий эттиришга қаратади.

Ижтимоий соҳада: номзоднинг фаолияти фуқароларни айниқса пенсионерлар, ёлғиз оналар, талабалар, ишсизлар ва ногиронларнинг ҳимоясини кучайтиришга қаратилади.

Зиёли — олимларни, ўқитувчиларни, тиббиёт ходимларини, маданият

ва бошқа соҳага мансуб бўлган хизматчиларнинг моддий ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор берилади.

Халқимиз орасида маънавий ва маърифий соҳаларда олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш, айниқса талабаларни, ўқувчиларни тарихий, миллий, маданий-маърифий ва умуминсоний кадрларни тиклашга жалб этиш, уларни ўзлигини англаш, миллий онгини ошириш, дунёқарашини ўзгартриш кўзда тутилади.

Ўз дастурида белгиланган мақсадга эришиш учун Иброҳим Хожиевич Абдуганиев биринчи навбатда куйидаги масалаларга эътиборни қаратиш керак деб ҳисоблайди:

1. Ёшлар муаммолари бўйича вазирлик тузиш;

2. Ўзбекистон Республикасида куйидаги қонунларни қабул қилиш ташаббуси билан чиқиш ва уларни қабул қилишда бевосита иштирок этиш:

— Давлат хизматчилари ҳақидаги; — Интеллектуал мулк ҳақидаги;

3. Касаначилик (уй меҳнати) меҳнатидан унумли фойдаланиш ва бу борада яратилган шарт-шароитлардан касаначиларнинг тўла фойдаланишини қаттиқ назоратга (28.08.1998 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида уй меҳнатини ташкил этиш тартиби ҳақида»ги Низом

асосида) олиш.

4. Миллий кадрлар тайёрлаш дастурини, таълим, «Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатининг давлат асослари»га, жисмоний тарбия ва спорт ҳамда соғлиқни сақлашга бағишланган қонунларни ҳаётга тадбиқ этишда айниқса фаол қатнашиш;

5. Чет эл жамғармалари, «Устоз», «Умид» жамғармаларидан унумли фойдаланиш, чет эл ўқув юрларида ўқиб келган ёш мутахассисларга олган билимларини Ўзбекистоннинг ривожига сарфлашлари учун шароит яратиш;

6. Нафақа олаётган фуқаролар учун тўла равишда нафақа (пенсия) олиб ишлаётган мутахассисларнинг рўйхатини кенгайтириш мақсадида иқтисодий база яратиш;

Нафақа олувчиларга тегишли тизимни такомиллаштириш (нафақа бадалларини ҳисобга олишда ҳамдардликдан яқка тартибдаги принципларга ўтиш);

Қабул қилинган қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш мақсадида мутасадди шахслар ва масъул ташкилотларнинг раҳбарларини мунтазам маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари олдига ахборот беришларини йўлга қўйиш, матбуот, телевидение, радио орқали халққа etkaziш;

7. 12-Яланғоч сайлов округидан халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод сифатида ушбу округ фуқароларининг иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий масалаларини ечиш, уларнинг ҳаётий манфаатларини Тошкент шаҳри, туман ҳокимликлари ва давлат ташкилотлари олдига ҳимоялаш масалалари билан мунтазам шуғулланади.

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

• **Сабит Тулаганов**, 1947 йилда туғилган, Соғлиқни сақлаш вазирлиги автокорхонаси директори, 18-Темир йўл сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.



Сабит Тулаганов 1954 йили тўлиқсиз ўрта мактабда саккизинчи синфгача тахсил олган, 1966 йили 10-ўрта мактабнинг 11-синфини 1966 йили тугатган. 1972 йили Тошкент политехника институти механика факультетига ўқишга кирди.

Меҳнат фаолиятини 1962 йили «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигида бригадирликдан бошлади. Орадан беш йил ўтиб, Тошкент шаҳар курилиш бошқармасига қарашли 1-автоҳўжаликда ҳайдовчи бўлиб ишлади. Бир вақтнинг ўзида институтида ўқиниш ҳам давом эттирди.

1978 йили диплом ҳимояси учун йўлланма билан Харьков трактор заводида юборилди. Аъло баҳога диплом ишини тугаллаб, муҳандис-механик мутахассислигини эгаллади.

1971 йили Соғлиқни сақлаш вазирлиги автоҳўжалигида 2-тоифали ҳайдовчи бўлиб ўз меҳнат фаолиятини давом эттирди. 1975 йилдан бошлаб шу автокорхонада катта механик вазифасида ишлаб бoшлади. Сўнгра корхонанинг 1-автобўлимига бошчилик қилди. Самарали меҳнатлари эвазига Фахрий ёрликлар билан мукофотланди.

1986 йилдан бошлаб ўзи ишлаётган автоҳўжалигига бош муҳандис этиб тайинланди. 1991 йили июль ойида автоҳўжалик директори лавозимига тайинланди ва шу кунгача фаолият кўрсатиб келмоқда.

Сабит Тулаганов республикамиз истиқлолини мустаҳкамлаш, демократик жараёнларни жадаллаштириш, буюк келажакка ишончини тарбиялаш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.

ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

• **Шахайдар Шахматов**, 1960 йилда туғилган, Ўзбекистон травматология, ортопедия илмий текшириш институти катта илмий ходими, 43-Навоий сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.




Шахайдар Шахматов

1978 йили ўрта мактабни тугатгач, Тошкент Давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. 1984 йили институтни имтиёзли битириб, шу институтнинг травматология ва ортопедия кафедрасида клиник ординатурада ўқишга қолдирилди. 1986 йили клиник ординатурани муваффақиятли тугаллаб, иш фаолиятини Тошкент Давлат тиббиёт институтининг биринчи клиникасида врач-ординатор бўлиб иш бошлади.

1988 йили танлов бўйича Ўзбекистон травматология ва ортопедия институтига илмий ходим бўлиб тайинланди. Тиббиёт фанлари номзодлигидаги диссертациясини 1992 йил муваффақият билан ҳимоя қилди ва 1993 йил травматология ва ортопедия институти катта илмий ходими лавозимига танлов орқали ўтди. Шахайдар Шахматов 1994—1997 йиллари докторантурада ўқиди ва 1998 йили тиббиёт фанлари докторлиги диссертациясини ҳимоя қилди. Ҳозирги вақтда у Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий текшириш институти вертебрология клиникаси илмий раҳбари лавозимида ишламоқда.

САНЪАТИ БИЛАН ОДАМЛАР ХИЗМАТИДА

• **Ҳамидулла Убайдуллаевич Шамсутдинов**, 1940 йилда туғилган, Лишнер Навоий номи Катта опера ва балет театрининг дирижёри, 46-Гулобод сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.



Ўзбекистон халқ артисти Ҳамидулла Шамсутдинов 30 йилдан ортқ вақт мобайнида дирижёрлик пултигини бошқаради. Утган йиллар давомида у жуда кўплаб опера ва балет спектакллари, кўп сонли концерт программалари рўёбга чиқаришда фаол қатнашди. Бу сўзлар айтишга осон албатта. Лекин ҳар бир сахнавий чиқишлар, солистлар ва оркестр билан ижодий ишлаш жуда катта тайёрликни талаб этади. Бу машаққатли меҳнат эвалте — эртаги, А. Морозовнинг «Доктор Айболит» асарларига гача бор.

Утган 30 йил давомида театрда ўзбек композиторларининг ҳам кўплаб асарларини кўйилди. Булар жумласига М. Ашрафийнинг «Дилором», «Забуннисо» ва Сайфи Жалилнинг «Шахзода ва қиролчи»

асарларини киритиш мумкин. Ҳамидулла Шамсутдинов машҳур композиторлар билан, жумладан, Нурулла Зоғиров билан яқиндан дўстлик алоқаларини боғлаган. Нурулла Зоғировнинг Шекспир сюжетлари асосида тайёрланган операсини икки марта ўзбек ва рус тилларида сахна юзини куриши бунинг ёрқин мисолидир. Бу албатта фақат дирижёр ҳисобидаги рақамлар. Лекин бу саноклар орасида машаққатли меҳнат, уйқусиз тунлар, иккиланаш, ижодий қувончу муваффақиятлар, янгиликлар ётибди.

Машҳур композитор Мухтор Ашрафийнинг шоғирди Ҳамидулла Шамсутдиновга устозидан нафақат дирижёрлик мактаби, балки спектакллар ва улардаги роляларни ижро этувчи ижодий гуруҳлар талабчанлик билан ёндошиш, ўз ишига бўлган масъулиятни ошириш каби изланишлар ҳам мерос бўлиб қолган.


Асарда белгиланган жанр талабларини кенгайтириш мумкинми? Опера театри ижросини кутилмаган усулга келтириш мумкинми? Ҳ. Шамсутдинов ижодидан бундай янгиликларни кўплаб келтириш мумкин. У Ўзбекистонда биринчи бўлиб, бундан 6 йил муқаддам опера усталари ижросида симфоник мусиқа концертларида ўзига хос янгиликлар яратди, бир қатор концерт-бенфислар

асарларини киритиш мумкин.

Шу йилнинг июнь ойида унинг ташаббуси билан «Тинчлик ва дўстлик номи билан» деган кеча ўтказилди. Ёш мустақил Ўзбекистон учун тинчлик ва дўстлик сув ва ҳаводек зарур эканлигини юракдан ҳис этган дирижёр бу ижодий тинчлик тадбирига Ўзбекистон Куролли Қучлари ва республика Ички ишлар вазирликлари қошидаги А. Макаров ҳамда Г. Терзан раҳбарлигидаги оркестрларни ҳам жалб этди.

Олдидан янги режалар, янги сахна асарлари дойиҳаси турибди. Бу — яна қанчадан-қанча ўй-фикрлар, муаммолар, ижодий гуруҳлар билан изланишлар олиб бориш ва қолверса, қанчадан-қанча меҳнат машаққатлари демакдир. Бу юмушларнинг барчаси кишидан катта ижодий қобилиятни талаб этади. Ўйлаймизки, театрнинг бош дирижёри Ҳамидулла Шамсутдинов бу масалаларни ҳам муваффақиятли ҳал этади.

Катта ижодий ва ташкилий тажрибага эга бўлган Ҳамидулла Шамсутдинов бордию халқ ишончи билан Тошкент шаҳар Кенгашига депутатликка сайланса у сайловчиларнинг барча тақлиф ва истакларини ҳам ўзига хос тарзда бажара олишига ишонамиз.



• **Абдушукур Раҳимович Бакиев**, 1944 йилда туғилган, Тошкент Давлат техника университети кафедраси мудири, 51-Уста Ширин сайлов округидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинган.

Абдушукур Раҳимович Бакиев 1967 йилда Тошкент халқ ҳўжалик институтининг иқтисод-режа факультетини битирган. 1974 йилда иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёклаб, 1981 йилда доцентлик унвонини олди. Абдушукур Бакиев меҳнат фаолиятини Тошкент мебель фирмасида Тошкент политехника техникумини битиргандан сўнг дурадгор, сўнг бригадир бўлиб бошлади.

Тошкент Халқ ҳўжалик институти битиргандан бошлаб шу кунгача турли жойларда дурадгор, бригадир, ишбоши, цех бошлиғи, молия-режа ва таъминот бўлими бошлиғи ҳамда «Ўзбеклойи-хамебель» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида

ЭЛ ТАШВИШИДА

бош директорнинг иқтисод ва илм-фан бўйича ўринбосари бўлиб ишлади. Ҳозирда у илм-фан ва олий таълим соҳаларида ишламоқда.

Бу даврда Абдушукур Бакиев Давлат режа қўмитаси қошидаги илмий тадқиқот институтида катта илмий ходим ва сектор бошлиғи, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Президиумида илмий котиб, Тошкент халқ ҳўжалик институтида доцент, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси қошидаги сиёсатшунослик ва бошқарув институтида кафедра мудири лавозимларида ишлади. 1993—1997 йилларда эса Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги иқтисодиёт, бизнес, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида директор муовини бўлиб ишлади, 1997 йил март ойидан бошлаб Тошкент Давлат техника университетида «Иқтисодиётда ахборот тизимлари» кафедрасининг мудири бўлиб ишлаб келмоқда.

Абдушукур Бакиевнинг сайловолди дастурида иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий масалалар юзасидан, экология ва ободонлаштириш ҳусусида, миллий кадрларни асраш, тиклаш, ёш-

лар муаммоси масалаларида, шунингдек, нафақадорлар ва ногиронларни нафақалар билан ўз вақтида таъминлаш ҳамда уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар муаммоларини ҳал этиш юзасидан бир қатор тадбирлар белгиланганки, улар ҳар бир сайловчи диққатини ўзига тортади.

У шундай дейди: — Ўзбекистон «Миллий тикланиш» партиясининг аъзоси сифатида унинг сайловолди ҳаракат дастурини жон-дилим билан қўллаб-қувватлаб, унинг нафақат республикада балки, жаҳон миқёсида гуллаб-яшнашига ва барқарор топишига қўлимдан келганча ҳаракат қиламан. Республикамизнинг фуқароси сифатида 51-Уста Ширин сайлов округида истиқомат қилувчи аҳоли ва сайловчилар олдидagi масъулиятимни сезган ҳолда уларнинг тақлиф ва истаклари, дардлари, шикоятлари, муаммоларини мунтазам ўрганиб бораман. Уларни тегишли тартибда маҳаллий ҳокимият органлари ва идоралари олдига қўйиш ҳамда ечимини топишга амалий ёрдам беришда бор куч-ғайратимни ва ҳаётим

мобайнида орттирган тажрибамни тўла-тўқис сарфлар қилишга интиламан.

Тошкент шаҳар Кенгаши мажлисида қабул қилинадиган қарорларга, аҳоли томонидан бизга берилган тақлиф ҳамда эзгу мақсадлар асосида иқтисодий муаммоларни, яъни ишлаб чиқаришни, тadbirkorликни, солиқ тизимини ва шунга тааллуқли масалаларни тартибга солиш ва уларни кескин такомиллаштириш борасида сайловчилар ишончини оқлаган ҳолда ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

Шунингдек, Абдушукур Бакиев янги иш жойларини яратиш, ёшларни касб-хунари бўйича ишга жойлаштириш масалалари, соғлиқни сақлаш масалалари бўлиши шифохона ва поликлиникаларда, дорихоналарда рўй бераётган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, ёшларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш масалалари юзасидан ҳам ўзининг сайловолди дастурида бир қатор вазифаларни амалга оширишни белгилаб олган. Айниқса, унинг миллий кадриятларни асраш ва тиклашдаги тақлиф ва истаклари, маданий-маиший турмушимизни издан чиқарадиган баъзи анъана ва маросимлардан воз кечиш тўғрисидаги сўзлари замон руҳига мослиги билан ажралиб туради.

